

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 28 (66003)
1997 йил, 9 апрель, чоршанба

Сотувда эркин
нархда



Салом баҳор, салом мўъжизалар шонин!

ИСТЕЪДОДЛАР, ИСТЕЪДОДЛИ- ЛАР...

Камола ТУРСУНОВА — Навоий вилояти, Нурота туманидаги 7-лицейнинг 8-синф ўқувчиси:

— География ва улкашунослик тугарагига 3 йилдан бери қатнашман. Яшаб турган еримизнинг, географик тузилишини, сувнинг қандайлигини урганишга қизиқман. Раҳбаримиз Муҳаммад ака Ҳамидов билан Нурота—Синтоб йуналиши бўйича саёҳатларга чиқамиз. Қизил китобга кирган архар, бургут, каклик каби жониворларнинг йўқолиб кетмаслигига уз ҳиссамизни қўшамиз.

Нафосат БОЛТАЕВА — шу лицейнинг 8-синф ўқувчиси:

— Слётга уста сангтарош Абдурайим Турдиев ҳақида реферат тайёрлаб келганман. Уста 1920-30

йилларда мрамрдан ҳайбатли ҳайкаллар, лаганлар, лавҳалар ишлаганлар. Ноёб қобилиятга эга булганлар. Уларнинг ишларини ҳозирги кунда фарзандлари, шогирдлари давом эттиришяпти. Рефератда устанинг ишлаган асарларидан фотонусхаларни илова тарзида олиб келганман.

Қашқадарё вилояти Нишон туманининг Усмон Юсупов номли 13-мактаб 9-синф ўқувчиси Холмуродов Жаҳонгир улканинг тарихий обидаларига ниҳоятда қизиқувчанлиги сабаб Новтақа қишлоғидаги 1483 йили Ашрапкул Ҳожи томонидан қурдирилган сардобалар (йигилма сув) ҳақида тарихий манбалар, қишлоқ кексалари суҳбатлари орқали олимлар диққатини тортган эзма иш билан слётга қатнашмоқда. Шу вилоятнинг **Ғузор туманидаги 3-ўрта мактабнинг 11-**

синф ўқувчиси Нилуфар Рўзиқуллова куриқда иккинчи мартаба қатнашмоқда. Утган йили Нилуфар слётда голиб чиқиб, халқаро «Экосан» жамғармасининг мукофотига лойиқ деб топилган эди. Бу йилги слётдан ҳам умиди катта.

Китоб туманидан келган Дилафруз Шербутаеванинг куриқка тайёрлаб келган иши алоҳида эътиборга лойиқ. У тумандаги унутгилиб борилаётган урф-одатлар, туй маросимлари, келинларнинг либослари ҳақида маълумотлар йиғиб келган. Тумандаги келин тушди туйларида кийиладиган қубба, бахт румол каби либосларнинг баъзиларини Дилафрузнинг узи тикиб келган. Дилафрузнинг айтишича, Китоб туманида кунчилик қизлар зардушлик хунарларини урганишгаётган экан.

гимназия ўқувчиси Шерали Эгамқулов тенгдошларидан уз истеъдоди билан ажралиб туради. У икки йилдан буён гимназия қошидаги наққошликлик тугарагига қатнашди.

У вилоят бўйича утказилган курик-танловларда иштирок



этиб, кунчилик назарига тушди. Уй-рузгор буюмлари — элак, сабзи тахта, уқлов, олти қиррали курси, саккиз қиррали хонтахта, турли-туман қутгичалар, ҳатто табиий усган қовоқларга ҳам нақш чизиб, ажойиб санъат асарларини яратаётган Шералининг юрагида наққошлик касбига булган меҳр қирралари кун сайин очилиб бораётти.

Суратда: Шерали устози Олимжон Нарзиев билан.

Сураткан: Р. Альбеков.

М Е Ҳ Р

зодани уқитиб-ургатибди. Лекин меҳнатлари зое кетиб, шох углидан олим чиқмабди. Уз болалари эса илм-фан, фазлу одобда камолга етишибди. Бундан огоҳ булган подшоҳ олимни койиб: «Сен аҳдингни бузиб, ваъдаги вафо қилмадинг», дебди. Шунда олим: «Эй малик, тарбиянинг расму қондаси бир йусинда булур ва лекин истеъдод турлича эрур», деган экан...

Жиззах шаҳридаги Абу Райҳон Беруний номли 22-

Аввал хабар берганимиздек, яқинда Иқтидорли ўқувчиларнинг VI республика слёти бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг турли жойларидан келган энг иқтидорли бўлажак хунар эгалари ўз ишлари билан иштирок этишди.

Юртбошимизнинг «Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан руҳланган тенгдошларингиз билан танаффус пайтида суҳбатлашдик.

УЧРАШГУНЧА...

Бу йилги слёт илгаригилардан савияси баландлиги, танкилий ишларнинг тартиблилиги билан ажралиб турди. Иштирокчилар секция ишлари тугагандан сунг турли учрашув ва дустлик кечаларида қатнашдилар. Тошкентнинг дилгортар жойларини томоша қилишди. Таасуротларини сураганимда «Тошкент жуда чиройли шаҳар экан, айниқса Темурийлар тарихи давлат музейи, Навоий номли Миллий бог, янги қурилаётган иморатлар бизни ҳайратга солди. Лекин уз қишлоғимизга ухшамайди. Бизда ҳаво тоза, ҳамма бир-бирини танийди, одамлари содда, оқибатли» — деб таъкидлашди.

Бундай тадбирлар фақат катта шаҳарлардагина эмас, олис қишлоқларда ҳам энг истеъдодли ўқувчиларга кумаклашди, ёнларга уз истеъдодларини рибга чиқариш мумкин булган соҳаларни аниқлаб беришда ёрлам беради.

Шубҳасиз, республика миқёсида утказилаётган бундай самарали тадбирлар, ишонамизки, болалар қалбига илиқлик, самимийлик, илм-маърифат олиб қиради.

Маҳмуда ХАЙДАРОВА.



ВАҚТИДА ЭМЛАТИШНИ УНУТМАНГ

Утган куни, 7 апрелда бутун дунёда булгани каби республикамизда ҳам Жаҳон саломатлик куни кенг нишонланди. Шуниси қизиқки, бу сана ҳар йили дунё миқёсида табобатчиларни тапшишга солаётган кенг қамровли муаммоларни ҳал этиш мақсадида маълум шиор остида утади. Бу сафар Жаҳон соғлиқни сақлаш Ташкилоти Халқаро саломатлик кунини «Юқумли касалликлар хужум қилмоқда, барча ҳаракат катта ҳаффа қарши курашга» шиори остида утказди. Бу, азиз болажонлар, сизларни мактабда, узингиз истиқомат қиладиган худуд поликлиникасида турли юқумли хасталикларга қарши эмланганда, укол қилишганда сира курқмай уни албатта қабул қилишингиз лозим дегани. Шунинг унутмангки, вақтида қилдирган профилактик эмлан — соғлигингиз гаровидир.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ— ҲАЙЪАТ РАИСИ

Мухлисларимиз бу номни жуда яхши билишса керак, шундаймасми? «Оқ кема»ни эсланг... Тошкентда утадиган ун иккинчи Халқаро кинофестивалда таниқли адиб Чингиз Айтматов мазкур анжуман ҳайъатига раҳбарлик қиладиган булди. Бу ҳақда куни кеча булиб утган кинофестивални утказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлисида айтилди.

ЯНА БИР МАРКАЗ

Жиззах вилоятининг Зомин туманида ён ижодкорлар марказида иш бошлади. Туман тарихини урганиш жамоатчилиги маркази ва халқ таълими булими ташкил этган бу маскан ёшларни ижодга чорлашда, қобилиятли қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирча турли хил синовлардан муваффақиятли утган 12 нафар йигит-қизга йўлланма берилди.

Тарихимизни ўрганамиз

БУ — БИЗНИНГ ОЛАМ

Қизил империя истибодди фикримизга солган занжирлар боис биз улуг аждодларимиз дунёсига столмай яшадик. Яшаган-

да ҳам уз утимишимизга нафрат ва уялиш билан узга халқлар тарихи ва қахрамонларига ҳавас қилиб яшадик. Ваҳоланки, бизнинг минг-минг йиллик тарихимиз давомида узга халқлар ҳавас қиладиган саналар ва қахрамонлар жуда кўп эди. Истиқлол куёши туфайли бизнинг олам ҳам ёришди. Куз олдимизда олам жонланмоқда. Бу — бизнинг олам!

Ҳар қандай гоё тарихий ва табиий жараён сабабидан тугилади. Унинг яратувчилари эса тарихий шахсларга айланадилар. Туркийлар дунёсининг жаҳон тараққийтидан узилиб қолганлигини бу гоё хавфли ҳолга барҳам бериш учун маърифатга интилиш зарурлигини биринчилардан булиб Исмоил Гаспринский тушуниб етгани сизга маълум. У жадидчилик ҳаракати дунёсидаги «курашчилардан» эканлигини ҳам яхши биласиз. Бу ҳаракатнинг иштирокчилари, қолаверса, беҳисоб қурбонлари ҳақида ҳам секин-аста хабарлар топмоқдамиз.

Булардан яна бири Мунаввар Қоридир. Улуг маърифатпарвар, миллатпарвар инсон, педагог ва адиб, 30-йиллардаги Сталин қатағони қурбони Мунаввар Қори Абдурашидовдан биттагина сурат қолган. Мунаввар Қори аввал Тошкентдаги Кукалдош мадрасасида, кейин уша пайтда Марказий Осиёдаги илм маркази булган Бухорода таҳсил олган. XIX аср охирида у Исмоил Гаспринский гоёлари билан танишиб, жадидчилик ҳаракатларини бошлайди. Тошкентнинг Дархон маҳалласидаги ҳовлисида

янги усулдаги мактабни ташкил этади. Унинг бу иши чор маъмуриятига ёқмайди. Аммо, Мунаввар Қори уз фаолиятини давом эттираверади. 1906 йил сентябрда «Хуршид» газетасини нашр этиб, узи



муҳаррирлик қилади. Лекин, Оқпошшо маҳкамаси газетани ёпиб ташлайди. Кейинчалик у «Нажот», «Кенгаш», «Хуррият», «Осиё», «Ҳақиқат», «Турон» ойномалари ва рўзномаларига муҳаррирлик қилади. Матбуотни халқ онгини устирувчи, уни маърифатга элтувчи восита деб қарайди. 1916 йилдаги халқ қўзғолонининг қонга ботирилиши, 1917 йилги давлат тунтариши, Қўқон мухториятининг тугатилиши, Қўқонда оддий халқнинг қирғинбарот қилиниши Мунаввар Қорини истиқлолчига айлантирди. «Хуррият берилмас, олинур», деб ёзғанди у ушанда узининг «Мақбул қурбонлар» мақоласида. 1929 йил 6 ноябрда Мунаввар Қори ҳибсга олинади. У қамоқхонада бирмунча вақт сақланиб, кейин Ўзбекистондан олиб кетилган.

«Вечерняя Москва» газетасининг 1992 йил 25 май сониди шундай хабар босилиб чиқди: «1930-1940 йилларда Ваганкова қабристонида дафн этилган Сталин қатағони қурбонларининг рўйхатини эълон қилишда давом этамиз. Абдурашидов Мунаввар Қори 1878 йилда Тошкент шаҳрида тугилган. Ўзбек, партиясиз, олий маълумотли, адабиётшунос. Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур қисмидаги Дархон маҳалласида, 17-уйда яшаган. 1929 йил 6 ноябрда қамалган. 1931 йил 23 майда отилган».

...Юрт истиқлоли учун уз жонини фидо қилган аждодлар хотираси олдида ҳамниша бош эгамиз.

Дилобар ЭРГАШЕВА,
Тошкент вилояти,
Паркент ноҳияси, 34-ўрта мактаб
ўқувчиси.

Абу
Али
Ибн
Сино
(873 — 950)

Азиз болалар, Қадимий она Туркистон ҳудудида тугилиб вояга етган мутафаккир бобомиз Абу Наср Форобийни уз даврида ер юзи олимлари «Муаллими Соний» деб аташган. Бобомиз ҳозирги Чимкент вилояти ҳудудидаги Фороб шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келганлар. Аввал она шаҳри Форобда, сунгра Ут-роп, Шопда билим олганлар. Кейин эса Бухоро, Самарқандда ўқиб, араб ҳалифалигининг маданий маркази ҳисобланган Боғдодга бордилар. Бу шаҳарда уша давр фанлари ва тилларини ўрганишга киришадилар. Турли соҳалар буйича бир юз олти мишдан ортиқ йирик илмий асарлар яратганлар, етмишга яқин миллат тилини ўрганганлар. Араб, форс, грек, лотин, яҳудий каби тиллардаги илмий китобларни бемалол ўқиб, таржима қилганлар, шу билан бирга бу асарларга шарҳлар ёзиб, уз фикрларини билдирганлар.

Маърифат ёғдулари

Узлари фалсафа, одоб-ахлоқ, фалакиёт, физика-математика, музика, тиббиёт, табиат, жуғрофия ва бошқа шунга ухшаш фанларга оид илмий асарлар яратганлар. Жуда кўп асарлари лотин ва бошқа европа тилларига таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилган. Айниқса, олим бобомизнинг фалсафий асарлари уша даврнинг Европадаги купгина илм даргоҳларида қўлланма сифатида ўрганилган, дарслик сифатида қўлланилган.

Форобий — олим бобомизнинг таҳаллуслари булиб, исми-шарифлари — Абу Наср Мухаммад ибн Узлуг Тархондир. Уз узидан маълум, бобомиз Узлуг Тархон авлодига мансуб булганлар. Умрларининг охирида — тахминан 941 йилда Дамашққа келиб яшаганлар. 950 йили шу ерда вафот этиб, «Бобас — саъий» қабристонида дафн этилганлар.

1975 йили ер юзидаги бутун тараққийпарвар инсонлар, жумладан узбек ва қозоқ халқи бобомиз Форобийнинг 1100 йиллигини тантанали равишда нишонлади. Алмати, Тошкент, Боғдод ва бошқа маданий йирик шаҳарларда олимга бағишланган илмий анжуманлар булиб ўтди. Ўзбекистон ва Қозғистонда кучалар, мактаблар, кутубхоналарга унинг номи берилган.

Олим КҮЧҚОРБЕКОВ.

Садриддин Айнийнинг деярли барча асосий асарларини ўқиб чиққанман. Менга унинг ута ақлли мулоҳазаларию ниҳоятда синчков кузатувлари ёқди. Ёзувчи узи қаламга олган ҳар бир кичкина воқеага ҳам жиддий эътибор билан қарайди.

Бу жиҳатдан адибнинг «Эсдаликлар»и асарларининг энг сараси булса керак. Уни мутолаа қилар экансиз, беихтиёр ёзувчининг болалик йиллари утган XIX аср

АЙНИЙ

охирги чорагидаги Бухоро ҳаётига кириб борасиз. Қишлоқ турмуши, мактаб, шаҳар ташвишлари, халқимизнинг уша даврлардаги умум яшаш тарзини билишга қизиқиш сизни мафтун этади.

Садриддин ун икки ешида етим қолади. Укаларини боқиш учун ишлашга мажбур эди. Лекин сузга, шеърга меҳр етим юракни сира тарк этмайди. Садриддиннинг тенгдошлари билан баҳрубайт айтишлари, хусусан, бу узига хос мусобақада голиб келиши, шу баҳонада Бухоро мадрасаларидан би-

рига ўқишга кириши, хужрадаги ҳаёт...

Асарнинг қизиқарли воқеалари сизни ёш Садриддинга ҳамроҳ қилиб қўяди.

«Эсдаликлар»нинг энг зур хислати шуки, унда бор тарихий ҳаёт қаламга олинади. Унинг эсдалик усулида битилгани бадий жиҳатдан ишонарлилик даражасини оширган.

Адибнинг бошқа асарларида ҳам уз даври ҳаёти ишонарли курсатилган.

«Судхурнинг улими», «Етим», «Одина» — ана шундай асарлардан. Улардаги қахрамонлар, воқеалар шундайги-

ТУГИЛГАН

на ҳаётнинг узидан олинган-қуйилган. Купчилик қахрамонлари Садриддин Айнийнинг узи булса керак, деб ҳам уйлайсиз. Масалан, Одина ҳам қуй боқади, ҳатто, уша ерда ухлаб ҳам қолади. «Эсдаликлар»да эса ёзувчи етимлик йиллари қуй боққанини битади. Эҳтимол, у уз бошидан кечирган айрим воқеаларни Одина образи орқали курсатгандир.

«Эски мактаб»да олти-етти ешли Садриддиннинг аввал

Бухоро — 2500

угил болалар, кейин эса қизлар мактабида ўқигани тасвирланган. Адиб тугилган Бухоро вилоятининг Гиждувон туманидаги Соктаре қишлоғида Садриддин Айний ўқиган угил болалар мактаби, яъни масжид ҳозир музей сифатида мавжуд. Мен уни зиёрат қилганимда масжидда мук тушиб ўқийтган болалар орасида утирган ёш Садриддинни куриб тургандек тасаввур қилдим.

Мен ҳам Бухоро қишлоқларидан бирида тугилганим, бу қадим юртга соғиниб-соғиниб борганим

ТУПРОҚ

учунми, ишқилиб, Садриддин Айний тасвиридаги макон ҳар гал менга янада қадрироқ, янада суяк тирок, янада қадимийроқ, янада муқаддасроқ булиб туюлаверади...

Фаррухбек ОЛИМ,
Алишер Навоий
номидаги республика
«Нафис санъат» лицейи
ўқувчиси.

МИТТИ ЮЛДУЗЧА



Мен ҳали боғчага бормасимданоқ рақсга туша бошпаганман. Айтишларича, онамнинг кулларига ҳам уйнар эканман. Ҳозир Тошкентдаги 302-мактабнинг 1-синфида ўқиб, мактаб қошида ташкил этилган «Митти юлдузчалар» дастасида қатнашяпман.

Дастамиз раҳбари Ҳалима опа жуда ҳам меҳрибон, ширинсузлар. У киши куллари билан шундай ҳаракатлар қилиб кўрсатадиларки, бизлар бениҳтиёр маҳлиё бўлиб қоламиз. Мен бу қадар гузал ҳаракатни ҳайвонот боғидаги оққушнинг қанотларида, кейин тушларимда ҳам кўрганман. У киши, менинг назаримда, сеҳргарга ухшайдилар. Шунинг учун дарсдан бўшадим дегунча у киши-

нинг олдиларига чопаман. Сиз, яна мени дарсларига қизиқмас экан, деб уйламанг. Мен аълочи қизман. Фақат, рақсга тушиш менга кўпроқ ёқарди. «Читтигул»га тушишимни бир кўрсангиз эди. Ҳалима опамга мен катта бўлсам албатта раққоса бўламан десам, у киши, сочларимни сипаб, сен ҳозир ҳам раққосасан, катта бўлсанг катта раққоса бўласан, дедилар. Қувониб кетдим. Лекин бу гапни ҳеч кимга айтмадим. Баъзан, бировларга шунақа гапларни айтсанг кулишади. Ҳозирча ўзим билсам бўлди-да. Катта бўлсам катта раққоса бўлганимни ўзлари кўришади-ку. Ана, сиз ҳам кулаяпсиз. Кулманг, мен ўзим шунақа, гапларни ширин қилиб айтаман. Шунинг учун мени ширин қиз дейишади. Ҳозирча гаплар шу. Катта саҳнада учрашгунча хайр. Сизга салом билан «Митти юлдузчалар»дан бири, кичик раққоса

Раъно МАННОПОВА,
Тошкент шаҳридаги 302-мактабнинг 1-синф ўқувчиси.

Янги китобни ўқидингизми?

Улар тирик жон булсалар-да, кесакка ухшайдилар. Офтобда турган кесак қуёш нурларини олмайди ва товланмайди. Қандай булса шундай қолади. Нурланмаган нарса узидан нур таратишга ҳам қодир эмас. Нур сочиш учун ҳаракат керак. Ҳаракат учун ақл қуввати, зийраклик керак. Инсон уз ақл-идрокини зийраклик билан ишлатиш туфайлигина иззат-икромга эришади. Лекин ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши, зийраклиги,

маъносини илғай бошлайди. Бобоси энди руҳлар олами, сабаблар олами, гузаллик олами, маълуклар олами, куринадиган ва куринмайдиган оламлар турғисидаги билимларни унинг мурғак қалбига сингдиради.

Ҳа, яқинда, «Ўзбекистон» нашриёти чоп этган Худоберган Маматохун Қатортерак углининг «Одоб ва ахлоқ мезони»

Бийрон тилли набира бобосини саволга тулди:

— Бобожон, қисқагина қилиб «салом» деб қуя қолса булмайди-ми?

— Йўқ, қизалоғим, бу Аллоҳнинг исми, шунинг учун сурашганимда доимо ассалому алайкум деб айтишинг лозим. Саломлашишда гап кўп. Буни ёдингдан чиқарма, оппоғим!..

Набира яна саволлар ёғдира-

ДУНЁЛАРНИ БИЛГИМ КЕЛАДИ

ди:

— Олам нима?

— Дунё, жаҳон, коинот дегани.

— Мен-чи? Мен кимман?

— Сен ҳам жажжи оламсан, қизим.

— Одамлар-чи?

— Ҳар инсон бир кичик олам...

— Булмаса, борлиқ нима?

— Борлиқ, бу дунё билан охира орасидаги олам, қизим.

— Яна қанақа одамлар бор, санаб беринг, бобожон?

— Улуғлик ва қудрат олами...

— Энг буюк олам қайси?

— Коинот.

Қизча аста-секин бу сузлар

номли рисоласини мустақиллигимиз маънавиятига хизмат қиладиган китоблар қаторига қушиш мумкин. Рисола болалар боғчалари ва бошланғич синф ўқувчиларигагина эмас, биз катталарга ҳам яхшигина сабоқ беради.

Рисола халқчил, содда тилда битилган. Одамият ва оламият сиру-асрорлари бобо билан неваранинг узаро мулоқоти, савол-жавоблари орқали очиб берилади. Бобо мурғак қалбига оламини таниш туйғусини сингдиради.

Бу дунёга фақат еб-ичиш, бойлик орттириш учун келганлар уликлардан фарқ қилмайди.

доимо Худони ёдида тутишлиги, табиатга зарар етказмаслиги, ноз-ниъматларни исроф қилмаслиги, камгарона ҳаёт кечиринлиги каби кўп яхши хислатлар ақлнинг ўлчовидир, деб таъкидлайди рисола муаллифи.

Ибратли фикрлар фарзандларимиз камолотига куч бағишлайди, ҳаёт йулларини нурлантиради. Донишмандлар ути хонадонларга шуъла янглиг кириб борса, «Одобнома» дарсларида ўқувчилар қалбига сингдирилса, нур устига аъло нур булади.

Ашурали АХМАД.



Ранглар сеҳри

ни кўраман. Масалан, камалакнинг жилосида...


Шаҳарда бир мусавирнинг рангларни рангларга қушиб янги ранглар ҳосил қилишини томоша қилдим. Қизик, қорани қизилга қориштириб янги ранг ҳосил қилиш мумкин экан. Лекин бу ранг жигарранг эмас. Оқ билан сариқ рангни қушиб, сут рангини ҳосил қилиш мумкин. Сутни оппоқ дейишади. Лекин у оқ эмас. Сенга бу гапларнинг нима кераги бор, дейсизми. Менга бу гапларнинг, умуман гап-сузларнинг

кераги йўқ, менга ранглар керак. Рангли қаламлар бор. Лекин улар менинг кунглимдаги рангда эмас! Мусавир булмоқчиман. Тушунапсизми, мусавир. Менга ҳақиқий муйқалам, ҳақиқий ранглар керак. «Ҳамма мусавир булса, подани ким боқади!»— деди менга бир сотувчи амаки. Алам қилиб кетди. Мен подачи эмас, мусавир булмоқчиман. Уша амакининг кузларидаги истеҳзо кузларимга чизилиб қолди. Бу мудҳиш қарашларни сизга ҳам чизиб кўрсатишим мумкин эди. Бироқ, менда ранглар йўқ, ҳақиқий ранглар.

Баъзан тушларимда рангларни рангларга қориб чиқаман. Баъзан чиза бошлайман. Биласизми, яхши чизаман. Уйғонсам, ранглар кузларимга чапланиб кетади. Ҳар тонг мен гуё юзимни эмас, кузларимни юваман. Кейин мактабга кетаман. Кетаётганимда ҳам осмонга қараб кетаман.

Камалакни қидираман. Камалакда жуда ҳам тиник, аниқ ранглар бор. Менга эса жуда хилма хил ранглар керак. Мусавир булмоқчиман, мусавир...

Суннатилло РАСУЛОВ,
Самарқанд вилояти,
Каттақўрғон туманидаги
53-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси.



Ўзи чизган расми «Ўлкамда баҳор» деб номлабди олти ёшли укангиз Акмалжон Эргашев. У расм чизишни жуда яхши кўради. «Келажакда ким булмоқчисан?» деб сўрасангиз, «зўр рассом бўламан», дейди. Тошкент шаҳар Ҳамза туманида жойлашган 4-боғча тарбияланувчиси Акмалга ниятинг йўлдошинг бўлсин, — деймиз.

Тарихимизни ўрганамиз

БУ — БИЗНИНГ ОЛАМ

Қизил империя истибодди фикримизга солган занжирлар боис биз улуг аждодларимиз дунёсига столмай яшадик. Яшаган-

да ҳам уз утимишимизга нафрат ва уялиш билан узга халқлар тарихи ва қаҳрамонларига ҳавас қилиб яшадик. Ваҳоланки, бизнинг минг-минг йиллик тарихимиз давомида узга халқлар ҳавас қиладиган саналар ва қаҳрамонлар жуда кўп эди. Истиқлол қуёши туфайли бизнинг олам ҳам ёришди. Куз олдимизда олам жонланмоқда. Бу — бизнинг олам!

Ҳар қандай гоё тарихий ва табиий жараён сабабидан тугилади. Унинг яратувчилари эса тарихий шахсларга айланадилар. Туркийлар дунёсининг жаҳон тараққиётидан узилиб қолганлигини бу гоёт хавфли ҳолга барҳам бериш учун маърифатга интилиш зарурлигини биринчилардан бўлиб Исмоил Гаспринский тушуниб етгани сизга маълум. У жадидчилик ҳаракати дунёсидаги «курашчилардан» эканлигини ҳам яхши биласиз. Бу ҳаракатнинг иштирокчилари, қолаверса, беҳисоб қурбонлари ҳақида ҳам секин-аста хабарлар топмоқдамиз.

Булардан яна бири Мунаввар Қоридир.

Улуг маърифатпарвар, миллатпарвар инсон, педагог ва адиб, 30-йиллардаги Сталин қатағони қурбони Мунаввар Қори Абдурашидовдан биттагина сурат қолган. Мунаввар Қори аввал Тошкентдаги Кукалдош мадрасасида, кейин уша пайтда Марказий Осиёдаги илм маркази булган Бухорода таҳсил олган. XIX аср охирида у Исмоил Гаспринский гоёлари билан танишиб, жадидчилик ҳаракатларини бошлайди. Тошкентнинг Дархон маҳалласидаги ҳовлисида

янги усулдаги мактабни ташкил этади. Унинг бу иши чор маъмуриятига ёқмайди. Аммо, Мунаввар Қори уз фаолиятини давом эттираверади. 1906 йил сентябрда «Хуршид» газетасини нашр этиб, узи



«Осиё», «Ҳақиқат», «Турон» ойномалари ва рузномаларига муҳаррирлик қилади. Матбуотни халқ онгини устирувчи, уни маърифатга элтувчи восита деб қарайди. 1916 йилдаги халқ қузғолонининг қонга ботирилиши, 1917 йилги давлат тунтариши, Қуқон мухториятининг тугатилиши, Қуқонда оддий халқнинг қирғинбарот қилиниши Мунаввар Қорини истиқлолчига айлантди. «Хуррият берилмас, олинур», деб ёзганди у ушанда узининг «Мақбул қурбонлар» мақоласида. 1929 йил 6 ноябрда Мунаввар Қори ҳибста олинади. У қамоқхонада бирмунча вақт сақланиб, кейин Ўзбекистондан олиб кетилган.

«Вечерняя Москва» газетасининг 1992 йил 25 май сонидида шундай хабар босилиб чиқди: «1930-1940 йилларда Ваганкова қабристонига дафн этилган Сталин қатағони қурбонларининг рўйхатини эълон қилишда давом этамиз. Абдурашидов Мунаввар Қори 1878 йилда Тошкент шаҳрида тугилган. Ўзбек, партиясиз, олий маълумотли, адабиётшунос. Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур қисмидаги Дархон маҳалласида, 17-уйда яшаган. 1929 йил 6 ноябрда қамалган. 1931 йил 23 майда отилган».

...Юрт истиқлоли учун уз жонини фидо қилган аждодлар хотираси олдида ҳамиша бош эгамиз.

Дилобар ЭРГАШЕВА,
Тошкент вилояти,
Паркент ноҳияси, 34-ўрта мактаб
ўқувчиси.

АБУ
АБДУ
ФОРОБИЙ

(873 — 950)

Азиз болалар, Қадимий она Туркистон худудидида тугилиб вояга етган мутафаккир бобомиз Абу Наср Форобийни уз даврида ер юзи олимлари «Муаллими Соний» деб аташган. Бобомиз ҳозирги Чимкент вилояти худудидидаги Фороб шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келганлар. Аввал она шаҳри Форобда, сўнгра Уттор, Шонда билим олганлар. Кейин эса Бухоро, Самарқандда ўқиб, араб ҳалифалигининг маданий маркази ҳисобланган Боғдодга бордилар. Бу шаҳарда уша давр фанлари ва тилларини урганлишига киришадилар. Турли соҳалар буйича бир юз олти мишдан ортиқ йирик илмий асарлар яратганлар, етмишга яқин миллат тилини урганганлар. Араб, форс, грек, лотин, яҳудий каби тиллардаги илмий китобларни бе-малол ўқиб, таржима қилганлар, шу билан бирга бу асарларга шарҳлар ёзиб, уз фикрларини билдирганлар.

Маърифат ёғдулари

Узлари фалсафа, одоб-ахлоқ, фалакиёт, физика-математика, мусиқа, тиббиёт, табиат, жуғрофия ва бошқа шунга ухшаш фанларга оид илмий асарлар яратганлар. Жуда кўп асарлари лотин ва бошқа европа тилларига таржима қилиниб, қайта-қайта нашр этилган. Айниқса, олим бобомизнинг фалсафий асарлари уша даврининг Европадаги кўпгина илм даргоҳларида қўлланма сифатида урганилган, дарслик сифатида қўланилган.

Форобий — олим бобомизнинг тахаллуслари бўлиб, исм-шарифлари — Абу Наср Муҳаммад ибн Узлуг Тархондир. Уз узидан маълум, бобомиз Узлуг Тархон авлодига мансуб булганлар. Умрларининг охирида — тахминан 941 йилда Дамашққа келиб яшаганлар. 950 йили шу ерда вафот этиб, «Бобас — саний» қабристонига дафн этилганлар.

1975 йили ер юзидаги бутун тараққийпарвар инсонлар, жумладан узбек ва қозоқ халқ бобомиз Форобийнинг 1100 йиллигини тантанали равишда нишонлади. Алмати, Тошкент, Боғдод ва бошқа маданий йирик шаҳарларда олимга бағишланган илмий анжуманлар бўлиб утди. Ўзбекистон ва Қозоғистонда кучалар, мактаблар, кутубхоналарга унинг номи берилган.

Олим КҮЧҚОРБЕКОВ.

Садриддин Айнийнинг деярли барча асосий асарларини ўқиб чиққанман. Менга унинг ута ақли мулоҳазаларию ниҳоятда синчков кузатувлари ёқади. Ёзувчи узи қаламга олган ҳар бир кичкина воқеага ҳам жиддий эътибор билан қарайди.

Бу жиҳатдан адибнинг «Эсдаликлар»и асарларининг энг сараси булса керак. Уни мутолаа қилар экансиз, беихтиёр ёзувчининг болалик йиллари утган XIX аср

АЙНИЙ

охирги чорагидаги Бухоро ҳаётига кириб борасиз. Кишлоқ турмуши, мактаб, шаҳар ташвишлари, халқимизнинг уша даврлардаги умум яшаш тарзини билишга қизиқиш сизни мафтун этади.

Садриддин ун икки ёшида етим қолади. Укаларини боқиш учун ишлашга мажбур эди. Лекин сузга, шеърга меҳр етим юракни сира тарк этмайди. Садриддиннинг тенгдошлари билан баҳру байт айтишлари, хусусан, бу узига хос мусобақада голиб келиши, шу баҳонада Бухоро мадрасаларидан би-

рига ўқишга кириши, хужрадаги ҳаёт...

Асарнинг қизиқарли воқеалари сизни ёш Садриддинга ҳамроҳ қилиб қуяди.

«Эсдаликлар»нинг энг зур хислати шуки, унда бор тарихий ҳаёт қаламга олинади. Унинг эсдалик усулида битилгани бадиий жиҳатдан ишонарлилик даражасини оширган.

Адибнинг бошқа асарларида ҳам уз даври ҳаёти ишонарли курсатилган.

«Судхурнинг улими», «Етим», «Одина» — ана шундай асарлардан. Улардаги қаҳрамонлар, воқеалар шундайги-

ТУҒИЛГАН

на ҳаётнинг узидан олинган қуйилган. Купчилик қаҳрамонлари Садриддин Айнийнинг узи булса керак, деб ҳам уйлайсиз. Масалан, Одина ҳам қуй боқади, ҳатто, уша ерда ухлаб ҳам қолади. «Эсдаликлар»да эса ёзувчи етимлик йиллари қуй боқганини битидади. Эҳтимол, у уз бошидан кечирган айрим воқеаларни Одина образи орқали курсатгандир.

«Эски мактаб»да олти-етти ёшли Садриддиннинг аввал

Бухоро — 2500

угил болалар, кейин эса қизлар мактабидида ўқигани тасвирланган. Адиб тугилган Бухоро вилоятининг Гиждувон туманидаги Соктаре кишлоғида Садриддин Айний ўқиган угил болалар мактаби, яъни масжид ҳозир музей сифатида мавжуд. Мен уни зиёрат қилганимда масжидда мук тушиб ўқийган болалар орасида утирган ёш Садриддинни қуриб тургандек тасаввур қилдим.

Мен ҳам Бухоро кишлоқларидан бирида тугилганим, бу қадим юртга соғиниб-соғиниб борганим

ТУПРОҚ

учунми, ишқилиб, Садриддин Айний тасвиридаги макон ҳар гал менга янада қадрлироқ, янада суюктироқ, янада қадимийроқ, янада муқаддасроқ бўлиб туюлаверади...

Фаррухбек ОЛИМ,
Алишер Навоий
номидаги республика
«Нафис санъат» лицейи
ўқувчиси.